

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ЛАЗИЗ АБДУАЗИЗОВИЧ

**БОБУР ДАВРИДА ҲИНДИСТОН АРХИТЕКТУРАСИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ АНЪАНАЛАРИ**

**18.00.01– Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on architecture**

Рахимов Лазиз Абдуазизович

Бобур даврида Ҳиндистон архитектурасининг ривожланиш
анъаналари 3

Рахимов Лазиз Абдуазизович

Тенденции развития архитектуры Индии периода Бабура 19

Rahimov Laziz Abduazizovich

The ways of development of Indian architecture in Babur time..... 34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ЛАЗИЗ АБДУАЗИЗОВИЧ

**БОБУР ДАВРИДА ҲИНДИСТОН АРХИТЕКТУРАСИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ АНЪАНАЛАРИ**

**18.00.01– Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/A4 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура–қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб – саҳифанинг <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgankengashlar/avtoref.html> ҳамда «ZIYONET» ахборот–таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уралов Ахтам Синдарович
меъморчилик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупова Мавлюда Аминжановна
меъморчилик фанлари доктори, профессор

Пўлатов Хайрулло Шомуборакович
меъморчилик фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Камолитдин Бехзод номидаги Миллий
Рассомлик ва дизайн институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура–қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13уй. Бош ўқув биноси, Катта мажлислар зали. Тел:(99871) 234-11-37, факс: (99871) 241-13-90, Web: www.taqi.uz, E-Mail: info@taqi.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура–қурилиш институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, тел: (99871) 244-63-30).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилган.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Д.А.Нозилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, арх.ф.д., профессор

Т.Ш.Маматмусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, арх.ф.н.

Т.А.Ҳидоятлов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, арх.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда маданий мерос ва архитектура ёдгорликларини сақлаш ва улардан унумли фойдаланиш соҳасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, тарихий шаҳарлар марказларини қайта тиклаш жараёнларида қурилаётган янги объектлар архитектураси, уларнинг бадиий образлари ва функциясининг кўп ҳолларда шаҳарлар тарихий муҳитига мос келмаслиги каби масалалар бу соҳада ҳали айрим камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан жаҳон архитектурасида тарихий шаклланган ва миллий кадриятлар асосида ривожланиб, бизгача етиб келган илғор меъморий анъаналарни тадқиқ қилиш ва ҳисобга олиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Жаҳон миқёсида маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш, азалий меъморий анъаналарни ўрганиш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларда, хусусан Бобур даври архитектурасини тадқиқ қилишда мазкур муаммонинг жаҳон олимлари томонидан муайян даражада ўрганилганлигини эътиборга олмаслик натижасида бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Жумладан, ислом меъморчилигининг ўрта асрлардаги Ҳиндистон архитектурасини ривожлантиришда Бобурнинг ролини алоҳида эътироф этиш билан бир қаторда Ҳиндистондаги ислом архитектурасини фақатгина Бобур ва Бобурийлар орқали, яъни Ўрта Осиё ва Форс меъморчилиги маданияти билангина шакллантирилган дейиш ноўриндир. Ҳиндистон мамлакатини Бобур фатҳ этган даврлардан олдин ҳам ислом архитектурасининг Ҳинд меъморчилигида тутган ўрнини очиб бериш ва шаклланаётган меъморчиликнинг бу сулола вакиллари даврида гуллаб яшнагани тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, бир тизимга келтириш ва аниқлаш ечимини кутаётган долзарб муаммолардандир.

Мустақиллик йилларида Бобур меросини тадқиқ қилиш, дунё миқёсидаги роли ва ўрнини ўрганиш, оммалаштириш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Тошкентда Темурийлар тарихи ва маданияти музейи, Амир Темур ҳиёбони, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги Амир Темурга қўйилган ҳайкаллар, Андижонда Бобур ҳайкали, боғи ва Бобурийлар мероси музейи, тарихий ёзма манбаларнинг ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этирилиши, Амир Темур номидаги ва Бобур номи халқаро жамоат фондлари ташкил этилиши шулар жумласидандир. «Жадал ва барқарор маданий ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади»¹. Бироқ, Ўзбекистонда Бобур даврида Ҳиндистон архитек-турасининг ривожланиш анъаналари ҳанузгача комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Бобур томонидан яратилган меъморий меросни илмий таҳлил қилиш, уни Ўрта Осиё, хусусан Мовароуннаҳр меъморчилиги билан қиёслаб ўрганиш ва бу мероснинг жаҳон архитектура тарихидаги аҳамияти ва тутган ўрнини аниқлаш бугунги куннинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси». Халқ сўзи, 16 январь 2017 й. –Б. 1.

муҳим масаласидир. Негаки, Бобурнинг меъморий, шаҳарсозлик ва боғ-паркчилик маданиятида Ўрта Осиёнинг Темурийлар даври меъморий маданияти билан ҳинд маданиятининг қоришиб кетишидек ноёб бир воқелик мавжудки, уларда қўлланилган меъморий услуб ва бадиий усулларнинг бошқа маданиятга ўхшаш эмаслиги, бу маданиятнинг нақадар юксак аҳамиятга ва хусусиятларга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПФ-5030-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Қарори ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган долзарб вазифаларни амалга оширишда, ҳамда Бобурнинг Ҳиндистонда яратган меъморий маданиятининг Мовароуннаҳр архитектурасидаги «Темур услуби» ва Ҳиндистондаги тарихий мерос билан узвий боғланганлигини, Бобур ва Бобурийлар даври бунёдкорлигига хос етакчи меъморий анъаналарни аниқлашда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий иш мавзусига доир, яъни Ҳиндистоннинг исломгача бўлган давр архитектурасининг шаклланиши бўйича А.Каннингем^{2,3}, Ж.Фергуссон⁴, П.Браун⁵, А.К.Кумарасвами⁶, А.А.Короцкая⁷ каби олимлар бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар. Ҳиндистонда ислом архитектураси тўғрисида Ж.Маршалл⁸, П.Браун⁹, С.Суренда¹⁰, Г.Сатиш¹¹ сингари тадқиқотчилар қимматли маълумотларни таҳлил қилганлар. Деҳли Султонлиги ҳокимиятининг шаклланиши ва бу ҳокимиятдан аввалги архитектура ҳақида А.Хан¹², М.Шокуҳи¹³, К.З.Ашрафяннинг¹⁴ илмий изланишларида, ҳамда Ҳ.Эдвардснинг¹⁵ диссертациясида қимматли маълумотлар мавжуддир. Ҳиндистондаги «Қувватул Ислом» мажмуаси

² Alexander Cunningham (ed.), *Archaeological Survey of India Reports (ASIR)*, 23 vols, Calcutta, 1871-87.

³ *Annual Report of Indian Epigraphy (ARIE) and Epigraphia Indica: Arabic and Persian Supplement (EIAPS)*.

⁴ Fergusson J. *History of Indian and Eastern Architecture*. Vol –I,II. Dodd, Mead & Company, Publishers. New York, 1891-99.

⁵ Brown Percy. *Indian Architecture (Buddhist and Hindu Period)*, Read Books Design, 2010.

⁶ Coomaraswamy, A.K. *History of Indian and Indonesian Art*, Dover Publications, 1927.

⁷ Короцкая А.А. *Архитектура Индии раннего средневековья*. Москва 1964.

⁸ John Marshall, «The Monuments of Muslim India», in *The Cambridge History of India*, Vol. 111, Cambridge, 1922.

⁹ Brown P. *Indian architecture (Islamic period)*. – Mumbai: D.B. Taraporelava Sons & Co. Pvt. Ltd., 1956 – 1981.

¹⁰ Sahai, Surenda., *Indian Architecture Islamic Period 1192-1857*. Prakash Books India Ltd. New Delhi 2004.

¹¹ Grover Satish., *Islamic Architecture in India*. Galgotia Publishing Company. New Delhi 1996.

¹² A. Khan, Banbhore, *A Preliminary Report of the Recent Archaeological Excavations at Banbhore*, Karachi, 1963

¹³ Mehrdad Shokoohy, Bhadresvar, *The Oldest Islamic Monuments in India*, Leiden, 1989.

¹⁴ Ашрафян К.З. *Делийский султанат*. М.: Изд-во вост. лит. 1960.

¹⁵ Holly Edwards, «The Genesis of Islamic Architecture in the Indus Valley», Ph.D. dissertation, Institute of Fine Arts, 1990.

архитектураси бўйича тадқиқотларни Ж.А.Пейж¹⁶, А.Велш¹⁷, Т.Тсукиновалар¹⁸ бажарган бўлсалар, Туғлоқлар архитектураси анъаналарининг шаклланиши ҳақида А.М.Хусайн¹⁹, Т.Ямамото-лар²⁰ илмий изланишлар олиб боришган. Лўдийлар архитектурасининг яратилиши ва шаклланиш йўллари ҳақида М.Сиражу²¹ докторлик диссертациясини ёзган. Булардан ташқари М.Ара²², К.Б.Эшерлар²³ бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Бобур қурган бинолар ва боғлар тўғрисидаги асосий манба–бу шубҳасиз, унинг «Бобурнома»²⁴ асари саналиб, ундан кейинги асарлар Зайн Хан Хавафининг «Табақати Бобури»²⁵ ва Гулбадан Бегимнинг «Ҳумоюннома»²⁶ асарлари ҳисобланади. Бобур даври архитектурасига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотларни Р.Нат²⁷, Х. Крейн²⁸, К.Эбба²⁹, К.Б.Ашерлар³⁰ олиб борганлар.

Ўзбекистонда Темурийлар ва Бобурийлар даври архитектурасини ўрганишда Г.А.Пугаченкова, П.Ш.Зоҳидов, М.С.Булатов, Ш.Д.Асқаров, М.Қ.Ахмедов, С.Азимджанова³¹, М.М.Хайруллаев, М.С.Тўхтажўжаева, А.С.Уралов, Д.А.Нозилов, Т.Ф.Қодирова, М.А.Юсупова, Т.Ш.Шириновлар К.Д.Рахимов, Л.А.Адилова, Т.Ш.Маматмусаев, С.Н.Садиковалар изланишлар олиб борганлар.

Мазкур муаммо бўйича шу чокқача бажарилган халқаро илмий тадқиқотларда Бобур давридаги Ўрта Осиё ва Ҳиндистон меъморчилигининг қиёсий таҳлили ўтказилмаган, мазкур минтақалар архитектураси бир–биридан айри тарзда алоҳида–алоҳида ўрганилганки, улар яхлит бир қиёсий–назарий илмий тизим остига олинмаган. Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ва хорижда мазкур диссертация мавзуси, яъни Бобур давридаги Ҳиндистон архитектурасининг ривожланиш анъаналари кенг қамровли яхлит бир тизим асосида, комплекс тарзда тадқиқ қилинмаган.

¹⁶ J. A. Page, A Historical Memoir on the Qutb: Delhi, Memoirs of the Archaeological Survey of India, No. 22, Calcutta, 1926.

¹⁷ Anthony Welch, «Qur'an and Tomb: The Religious Epigraphs of Two Early Sultanate Tombs in Delhi», in Frederick M. Asher and G. S. Gai (eds.), Indian Epigraphy: Its Bearing on the History of Art, New Delhi, 1985.

¹⁸ Tokifusa Tsukinowa, «The Influence of Seljuq Architecture on the Earliest Mosques of the Delhi Sultanate Period in India», Acta Asiatica, 43, 1982

¹⁹ Agha Mahdi Husain, Tughluq Dynasty, New Delhi, 1976. Anthony Welch and Howard Crane, «The Tughluqs: Master Builders of the Delhi Sultanate», Muqarnas, i, 1983

²⁰ Tatsura Yamamoto, Matsuo Ara and Tokifusa Tsukinowa, Delhi: Architectural Remains of the Delhi Sultanate Period, 3 vols., Tokyo, 1967-70

²¹ Muhammad Siraju-'l-Islam, «The Lodi Phase of Indo-Islamic Architecture (1451-1526 A.D.)», Ph.D. dissertation, Freie Universitat Berlin, 1960

²² Matsuo Ara, «The Lodhi Rulers and the Construction of Tomb-Buildings in Delhi», Acta Asiatica, 43, 1982

²³ Catherine B. Asher, «From Anomaly to Homogeneity: The Mosque in 14th- to 16th-Century Bihar»

²⁴ Zahir al-Din Muhammad Babur Badshah, Babur Nama (tr.), reprint ed., New Delhi, 1970

²⁵ Khan Khwafi, Tabaqat-i Baburi (tr.), Delhi, 1982

²⁶ Gulbadan Begum, Humayun Nama (tr.), London, 1902

²⁷ Nath R. History of Mughal Architecture. Vol.I. Early Mughal Architecture. The Formative period: Babur and Humayun. - New Delhi: Abhinav Publications, 1982.

²⁸ Howard Crane, «The Patronage of Zahir al-Din Babur and the Origins of Mughal Architecture», Bulletin of the Asia Institute, 1, 1987.

²⁹ Koch Ebba. Mughal Architecture (An Outline of Its History and Development) (1526-1858). – Munich: Prestel-Verlag, 1991.

³⁰ Asher C.B. Architecture of Mughal India. – Cambridge: University Press, 1995.

³¹ Азимджанова С.А. Государство Бабур в Кобуле и в Индии. «Наука» Москва – 1977.

Айнан шунинг учун ҳам мазкур тадқиқот Бобурнинг меъморий маданий ва бунёдкорлик меросини очиб беришга, уни Ўрта Осиё ва Ҳиндистон меъморчилиги билан қиёсий таҳлил қилишга қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси-нинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат архитектура–қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон архитектураси назарияси ва тарихи, меъморий кадриятлар ва анъаналаримизни тадқиқ қилиш ва улардан самарали фойдаланиш» (2012-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бобур даври меъморчилигининг Ҳиндистон худудидаги тараққиётини ёритиб бериш, Бобур даври ва унгача шаклланган меъморий маданиятларнинг бир–бири билан боғлиқлигини ва фарқини аниқлаш, архитектурага Бобур олиб кирган ва жорий этган меъморчилик услубларини, унга Мовароуннаҳр архитектурасида шаклланган «Темур услуби»нинг таъсирини, бинолар турлари ва иншоотларига хос хусусиятларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ҳиндистон меъморчилигининг Бобургача бўлган давридаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

Бобур бунёд этган биноларни хронологик ва типологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

боғларнинг турлари, хусусиятлари ва қайси қонуниятлар асосида барпо этилганлигини кўриб чиқиш;

Бобур яратган меъморий маданиятнинг Ўрта Осиё архитектурасидаги «Темур услуби» билан ва Ҳиндистонда шаклланган тарихий мерос билан боғланганлигини қиёсий таҳлил қилиш;

Бобур меъморчилигининг унинг ворислари давридаги аҳамиятини ўрганиш;

Бобур даври бунёдкорлигига хос етакчи меъморий анъаналарни аниқлаш.

Тадқиқот объектига Ҳиндистонда Бобургача бўлган меъморий иншоотлар ва мажмуалар, Бобур томонидан қурилган объектлар киради.

Тадқиқотнинг предмети Бобурнинг Ҳиндистон меъморчилигидаги ўрни ва ролини кўрсатиб бериш, ҳамда бу даврдаги Ўрта Осиё ва Ҳиндистон меъморчилигини қиёсий таҳлил қилиш ва етакчи меъморий анъаналарни аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Кўтарилган муаммо бўйича Ватанимиз ва хорижда бажарилган илмий адабиётлар ва манбаларни ўрганиш, Бобур давридаги Ўрта Осиё ва Ҳиндистон меъморчилиги ўртасидаги умумийлик ва фарқларни аниқлаш, ушбу минтақалар архитектурасининг ўзаро таъсири ва меъморчилик санъатининг тадрижийлиги ва трансформациясини таҳлил қилиш, натурада ўрганиш, графоаналитик ҳамда қиёсий таҳлил ва илмий таққослашдан иборатдир. Тадқиқотни бажариш услубига яна Ҳиндистонга Бобур томонидан қурилган меъморий объектлар жойлашган шаҳарларга махсус илмий сафар уюштириш, сафар чоғида Ҳиндистоннинг архитектура соҳаси бўйича таниқли

олимлари билан учрашиш ва суҳбат қилиш, тадқиқот объектларини илмий натурал ўрганиш ва фотофиксациялар қилиш ҳам киради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ҳиндистон маҳобатли архитектурасининг хронологияси Қадимги Ҳинд цивилизацияси, буддизм, брахманизм динлари ва ибодатхоналар меъморий анъаналарининг тараққиёт йўллари асосида такомиллаштирилган;

Ҳинд-Исломий ва Бобурийлар услубининг шаклланишига Хуросон, Мовароуннаҳр, Ғазнавийлар, Ғурийлар, Султонлик ва «Темурийлар услуби» архитектурасининг ижобий таъсири асослаб берилган;

Бобурийлар услубининг вужудга келишида Ҳиндистонга Бобур олиб кирган Темурийлар архитектураси анъаналарининг турганлиги, Ҳумоюн даврида Форс маданияти киритилганлиги, Акбар даврида Гвалиор, Ражпут ва Гужарат анъаналари бўйича бу услуб янада бойитилганлиги, Жаҳонгир ва Шох Жаҳон даврида орнаментал безаклар ривожланганлиги, Аврангзеб ва сўнгги Бобурийлар даврида ушбу услубнинг сўниб бориши графоаналитик қиёсий таққослаш услубида аниқланган;

Бобур ва Бобурийлар даври бунёдкорлиги шаклланишининг туб моҳиятини Ҳинд-Исломий, Султонлик, Форс ва Темурийлар анъаналари ташкил этганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бобур давридаги Ҳиндистон меъморчилигининг шаклланиш ва ривожланиш анъаналари илк бор очиқ берилган;

Ўрта Осиё XIV – XV асрлар архитектурасида «Темурийлар услуби» Ўзбекистон архитектурашунослик фанида илк бор Ҳиндистоннинг Бобур ва Бобурийлар даври архитектура мероси билан қиёсий таҳлил қилиниб, улар орасидаги умумийлик ва фарқ аниқланган;

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон архитектураси усулларининг ўзаро маданий алоқалари ва таъсиридаги ўзига хос хусусиятлар очиқ берилди;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва илмий маълумотларнинг амалиётга жорий этилганлиги, муаллиф томонидан халқаро журналда чоп этилган мақоланинг Ҳиндистон Калкутта Университетида магистратура ва таянч докторантурада ўқиётганлар учун 2016 йил 11 июлда тузилган асосий адабиётлар мажмуаси дастурига киритилганлиги билан асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти меъморий мерос ва унинг ривожланиш анъаналари соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга олий таълим муассасаларида архитектура ва шаҳарсозлик тарихи фанларини ўқитишда, лойиҳа ташкилотларида эса ушбу анъаналардан кенг фойдаланишда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мустақил республикамиз ва миллий мафкурамизга хос янги меъморий объектлар (хотира ва қадрият хиёбонлари, халқимиз қаҳрамонлари ва алломаларига аталиб қурилаётган мемориал комплекслар, миллий меъморий боғлар ва сайргоҳлар)ни лойиҳалаш ва

қуришда мазкур тадқиқотнинг илмий натижаларидан, хусусан Бобур ва Бобурийлар яратган боғларнинг меъморий–ландшафт композицияларидан фойдаланишда катта аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бобур даврида Ҳиндистон архитектурасининг ривожланиш анъаналари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бобур даври Ҳиндистон архитектурасининг ривожланиш анъаналарини ўрганиш асосида Бобурнинг «Чорбоғ» услуби концепцияси бўйича олинган натижалар Ф.1-86 «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» (2011-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг «Меъморий мажмуалар» деб номланган бўлимини тайёрлашда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 02 апрелдаги 89-03-1212-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Амир Темур ва темурийлар меъморлиги ҳамда Ўзбекистон меъморлигининг тарихий асосини очиб бериш имкониятини берган;

Бобурнинг Самарқанд ва Ҳирот архитектураси ва унинг Темурийлар давридаги ҳолатига берилган таҳлилий маълумотлар «Самарқанд ва Жиззах вилоятлараро минтақавий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси» ишини ташкил этишда илмий асос сифатида фойдаланилган (Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг 2018 йил 03 октябрдаги 01-01/769-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқотнинг амалиётга жорий этилиши Самарқанд ва Жиззах вилоятлари архитектурасининг ўзига хослик хусусиятларини бойитиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий ишлар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳиндистоннинг исломгача бўлган давр архитектураси**» деб номланган биринчи бобида Қадимги Ҳинд цивилизациясидан бошлаб, яъни Хараппа ва Моҳенжо-Даро шаҳарсозлик анъаналаридан тортиб, то Ҳиндистонда маҳобатли ибодатхоналарнинг (VIII а.) қурилишигача бўлган давр таҳлил қилинган ва Ҳиндистоннинг бу даврлардаги шаклланган архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Ҳиндистон архитектура тарихи мил. авв. XXX асрлардаёқ шакллана бошлаган. Бунга мисол тариқасида, Моҳенжо – Даро ва Хараппа шаҳарларининг аниқ режа асосида шаклланганлигини айтиб ўтиш мумкин. «Хараппа цивилизацияси» деб номланган бу маданият ўчоғи ўзининг салмоғи ва салоҳияти билан «умумжаҳон цивилизацияси мажмуининг Миср ва Шумер марказларидан кейинги учинчи муҳим объекти» сифатида гавдаланиши бежиз эмас. Хараппа мамлакати ўзининг катта ҳудудли чегараларида кўплаб бир хил режали, бир - биридан кенглиги ва катталиги билан фарқланадиган катта маъмурий марказлардан тортиб, кичик қишлоқларнинг тарҳларигача бўлган меъморчилик меросларини қолдирган. Қишлоқ атрофлари деворлар билан ўралган бўлиб, баъзи жойларда кузатув ҳавозалари қурилган. Манзилгоҳларнинг ички тарҳи, асосий кўчаларининг жойлашуви дунё томонлари бўйича режалаштирилган. Манзилгоҳлар қурилишида яхши пиширилган, мустаҳкам ғиштлардан фойдаланилган.

«Хараппа цивилизацияси»дан кўриниб турибдики, Ҳинд шаҳарсозлик анъаналари аниқ қонун ва қоидалар асосида барпо этилган. Бу қонунларни ўзида мужассам этган нодир манбалар саналмиш – ведалар, диний ва адабий мажмуа мил. авв. II мингйилликда ёзилган қадимий «Рамаёна» ва «Маҳобҳорат» эпослари, мил. авв. XII–X асрларда шаклланган ва ҳозиргача ўзининг қадрини йўқотмаган бошқа адабий манбалар (брахманийларнинг сутралари, буддавийлар ва жайनावийларнинг удум анъанавий адабиётлари) киради. Ҳинд шаҳарсозлик анъаналари ва услубларидан, қонун - қоидаларидан хабар берувчи бебаҳо адабиёт «Шилпашастра» (ёки «Вастушастра», яъни «архитектура тўғрисидаги фан») асаридир.

Мил. авв. VI асрга келиб қулдорликнинг янада ривожланиши ижтимоий ҳаракатни юзага келтиради. Брахманий руҳонийларининг тарғиботлари натижасида бошқа динлар – буддизм ва жайнизм пайдо бўлади. Буддизм билан бирга илк бора роҳибона тузилма (сангха) шаклланиб, Ҳиндистонда биринчи диний иншоотлар – ҳавонча (ступа), чайтья – бутхона, вихара – ибодатхоналар қурила бошланади.

VI асрнинг охиридан VIII асргача Ҳиндистон тарихида ҳукмдор бўлган буддизм динининг ўрнини брахманизм дини эгаллайди. Бу эса мамлакатда мураккаб жараённи, эски дунёқарашдан янги дунёқарашга ўтиш босқичини вужудга келтиради. Бу жараён Ҳинд мамлакатаида икки илоҳ: осойишталик ва оддийликни акс эттирувчи Будда билан доимий рақс ҳаракатида бўлган кўп қўлли Шива илоҳи ўртасидаги тўқнашувни вужудга келтиради. Бу даврда бирданига учта дин ибодатхоналари – буддизм, брахманизм ва жайнизм диний иншоотлари бир йўла қурила бошланади. Брахманизм динининг кучайиши натижасида бутун Ҳинд маданияти каби архитектура ҳам оддийликдан

жўшқинланиб ҳаракатга келган динамик шакллар архитектураси томон ўзгаради.

Қадимги даврдан ўрта асрларга ўтиш даврида эски услубдаги ибодатхона типлари сўниб боради ва янги услуб шаклланади. Бу янги услуб уччала дин йўналишлари (буддизм, жайнизм ва брахманизм) учун, янги синфли феодализм даври мафкуравий концепциясини шакллантиради. Янги диний иншоот сифатида ибодатхона шаклланиб, у қайси динга қарашидан қатъий назар – брахманизмми, буддизмми ёки жайнизм бўладими, архитектуравий шакллари, композицион ва қурилиш услублари жиҳатидан ҳеч қандай кўзга кўринарли фарқи бўлмаган.

Илк қалъаларда ўйилган буддизм иншоотларининг қурилиши, қулдорлик даврининг гуллаб яшнаган пайти – Ашока (мил. авв. III а.) ҳукмронлиги даврига мос келади. Қулдорлик муносабатларининг яқунланиши билан қоялардаги қурилишлар ҳам тугатилиб, ўша даврнинг буддизм дини иншоотларининг сўнгги намуналари бунёд этилган. Феодал муносабатларнинг вужудга келиши билан янги типли иншоотлар – ибодатхоналар қурилиши бошланиб, янги қурилиш материаллари ва янги техника – тошдан териш услубига ўтилади. Айнан шу пайтдан бошлаб Ҳиндистоннинг тошли меъморчилиги тарихида янги давр бошланиб, у тахминан V асрдан XIII асргача, Жанубий Ҳиндистонда эса XVII асргача давом этади.

VI асрга келиб ўрта аср ибодатхонасининг ҳажмий-фазовий тузилиши яхлит шаклланади. Бундай услубдаги ибодатхона деярли барча дин брахманизм, жайнизм ва буддизм вакиллари томонидан бир хил қабул қилинади. VI асрнинг охирларида ибодатхона меъморчилигида намунавий ўзгаришларни нафақат шикҳара шаклида, балки тарҳий-ҳажмий композицияда, интерьерда, қурилиш – конструктив усулларда, ҳамда нақшли – декорда ҳам кўришимиз мумкин.

VII асрнинг охири VIII асрга ўтиш жараёнида феодал тузумининг кучайиб бориши ва брахманизм динининг ҳукмронлигини таъминлаб, иқтисодий соҳаларда ҳам рақибларни асосий ўринда таъқиб қилишига замин яратади. Бу давр ичида диний соҳада буддизм динининг сўниб бориши ва ҳинду (индуизм) дини томонидан бутунлай қамраб олиш жараёни юз беради. Шунинг учун бўлса керакки, айнан шу даврда брахманизм ибодатхоналари оммабоп тарзда кенг миқёсда қурила бошланади. Ибодатхоналарнинг декоратив нақшлари моҳирона даражада бойиб бориб, тарҳий ва ҳажмий композицияси ҳам мураккаблашади. Шу даврлар ичида миллий анъана ва диний меъморчилик маданияти ёрдамида ибодатхона комплекси композицияси ривожланиб бориб, ўрта аср ибодатхонаси концепциясига мос, яъни маъбудлар яшайдиган турар жой ва асосий маросимлар ўтказиладиган иншоот сифатида шаклланади. Ибодатхонанинг маъноси шу даврдан бошлаб диний бинодан, турли хилдаги иншоотлар комплекси аксидаги маънога ўзгаради. Эндиликда, унинг худудида кенг миқёсли оммабоп маросимлар ўтказиш учун сиғинадиган халқ тўплана бошланган.

Диссертациянинг «Ҳиндистонда Ислом архитектураси (XII-XVI аа.)» деб номланган иккинчи бобида Ҳиндистонда Султонлик даври архитектураси

тахлил қилинган. Бу давр Ҳиндистон архитектурасининг шаклланишида асосий босқичлардан бири ҳисобланиб, ўзининг таркибида Илк Деҳли Султонлиги архитектураси, Хилжилар архитектураси, Туғлоқлар архитектураси, Саидлар ва Лўдилар архитектурасини мужассам этган.

Ислом динининг VII асрда вужудга келиши ва бу диннинг Арабистонда мустаҳкамланиши билан бутун дунё тарихида янги давр бошланади. Жуда қисқа фурсатда ислом дини Арабистон ва Суриядан Кичик Осиё ва Шимолий Африка, ҳамда Испания ҳудудларигача ёйилиб, фақатгина 732 йилда Тура шаҳри олдидаги уруш натижасида Франциянинг марказигача етиб келган ислом динининг ғарбий ёйилиши тўхтатилади. Аммо, шарқий ёйилиш Форс мамлакатидан Осиё мамлакатлари орқали ўтиб, Ҳиндистон чегараларигача етиб келади. Қитъа ҳудудларидаги илк босқинчилик ҳаракати еттинчи асрнинг охиридан бошланган бўлиб, бу даврда араблар Синд воҳасига (ҳозирги Покистоннинг жанубий вилоятлари) бостириб кирганлар. VIII асрнинг бошлариданоқ Синд воҳаси араблар томонидан босиб олиниб мусулмон мамлакатига айлантирилган. Айнан шу даврларда бу ўлкада илк бора Бобил шаҳри биноларига хос рангли сиркор кошинчалар кириб келади. Бундай турдаги хунармандчилик бадиий санъати ҳалигача Мўлтон воҳаларида учраб келмоқда.

1175 йилда Муҳаммад Ғурий ўзининг ҳарбий қўмондони, куликдан озод қилинган Қутбиддин Ойбек билан Ҳиндистон томон илк ҳарбий юришни бошлайди. Муҳаммад Ғурий ва унинг қўмондонларининг мувафакқиятли жангларида сўнг, Ҳиндистоннинг шимолида биринчи мусулмон ҳарбий – феодал ҳукмронлигини ўрнатади. 1206 йилда Ҳинд дарёси қирғоғидаги жангда Муҳаммад Ғурий «хоҳар қабиласи» томонидан ўлдирилгач, Қутбиддин Ойбек ўзини ғурийпар тасарруфидаги ерларнинг султони деб элон қилади. У ўзининг пойтахти қилиб Деҳлини танлайди ва шу пайтдан бошлаб Деҳли Султонлигига асос солинади, ҳамда бу илк ҳукмронлик Қутбиддин Ойбекнинг келиб чиқиш табақасидан фанда «Деҳлининг Қул Шоҳлари» номига эга бўлади. Деҳли Султонлиги ҳукмронлиги 320 йил давом этиб, шу давр миқёсида бешта туркий ва авғон ҳукмдорлар аждодлари бир – бирларини алмаштириб келишади. Ҳамда, ҳар бир аждод ўзига хос архитектура намуналарини қолдириб кетади. Ҳиндистонда Ислом архитектурасининг илк намоён бўлиниши Султонлик услуги деб аталиб, бу услуб ўзининг ичига бешта асосий даврларни мужассам этади. XII асрдан бошланиб XVI асргача давом этган бу Султонлик услуги куйидагича бўлинади: 1) Қуллар даври (1191-1246); 2) Хилжилар даври (1290-1320); 3) Туғлоқлар даври (1320-1413); 4) Саидлар даври (1414 -1444); ва Лўдилар даври (1451-1557).

Ислом динида тарафдорларнинг намоз ўқишлари учун масжид қуриш заруриятининг пайдо бўлганлиги сабабдан Қутбиддин Ойбек зудлик билан масжид бунёд этишга изн беради. Вақт тиғизлиги сабаб, у ўз ватанидан меъморларни, халқ усталари ва қурувчиларни олиб келишга тоқат қилмайди. Айнан шу пайтдан бошлаб, Ҳинд воҳасининг илк ислом меъморчилигига тегишли масжид, икки бир – бирига ўхшаш бўлмаган маданият вакилларининг ҳамкорликдаги, яъни маҳаллий қурувчи ишбошчилари ҳамда мусулмон

назоратчилари остида вужудга келади. Ҳатто, бино қурилишида қурилиш материалларининг йўқлиги сабабли Қутбиддин Ойбек масжид атрофидаги мавжуд 27 та ибодатхоналарни бузиб, тошларини янги бинога ишлатилишига амр беради. Бу эса ўз навбатида янги анъананинг шаклланишига, яъни жиддий Ислом биноларида маҳаллий ҳинд ҳайкалтарошлик маҳоратининг қўлланилишига олиб келади.

1290 йилда Балбаннинг ҳарбий қўмондони бўлган Фируз Хилжи тахт учун ҳаракат олиб бориб тахтни эгаллаганидан сўнг, туркийларнинг қабиласи саналмиш Хилжи сулоласининг ҳукмронлиги бошланади. Бу авлод ҳукмдорлиги даврида (1290 - 1320 й.) Деҳли Султонлиги ўзининг энг қудратли кучга эга даврини бошидан кечиради. Аловуддиннинг мустаҳкам мамлакат барпо этишдаги режаси мамлакатни гуллаб яшнаш даврига олиб келади. Айнан шу даврларда уч чорак аср вақтигача сусайган қурилиш бирданига янги йирик архитектуравий лойиҳалар билан жўшқинланиб кетади.

1320 йилда ҳарбий қўмондон Ғиёсиддин Туғлоқ тахтни эгаллаганидан сўнг, Деҳлида янги аждод мўғул – туркий сулоласи вакиллари саналмиш Туғлоқлар ҳукмронлиги бошланади. Ҳинд архитектура маданиятидан Ислом маданиятигача бу воҳаларда ривожланиб келаётган бино деворларидаги тошга ўйилган бежирим нақшлар ўрнига, бу даврда шаклланган янги услубли деворлар, яъни деворлар усти майда шағаллар билан қопланиб, юза томони цемент қоришмаси асосида силлиқланган. Фирузшоҳ ҳукмронлиги даврида архитектурада турли хил тажрибалар, яъни дадил ўзгаришларга қўл урилган. Булардан яна бири бу Фирузшоҳнинг бош вазирига атаб Низамуддин Аулияда барпо этилган Хани – Жаҳон Теленгани мақбарасидир. Ҳиндистонда бу пайтгача қурилган мақбаралар одатда тўғри тўртбурчак шаклда бунёд этилган (Султон Гўри мақбарасидан ташқари). Теленгани мақбараси эса саккиз бурчакли қилиб барпо этилган.

XV асрларга келиб Деҳли Султонлигига иккита аждод вакиллари кетма – кет ҳукмронлик қилади. Биринчи аждод Саидлар бўлиб, 1414 йилда Хон Хижр (1414 – 1421) янги ҳукмронликка асос солади. Саидлар ўзларини Амир Темурнинг вориси Шохруҳ қарамоғидаги аждод деб эълон қиладилар. Бу даврда мисли қўрилмаган урушлар натижасида хазинанинг бўшаб қолганлиги сабаб, деярли кўзга кўринадиган қурилишлар амалга оширилмаган. Лекин, шу нарса қизиқки, Саидлар ўзларидан сўнг бир қатор мақбараларни қуриб қолдирганлар.

Баҳлул Лўди (1451 – 1489 й.) ҳукмронлиги даврида Панджобдан Бенаресгача бўлган ҳудудлар яна Султонликнинг ҳукмронлиги остида ўтади. Унинг вориси ўғли Искандар Лўди (1489 – 1517 й.) мамлакат пойтахтини Аграга кўчириб ўша жойдан мамлакатни бошқаради. Искандар Лўди мамлакатнинг «боши» сифатида Аграни танлаган бўлсада, мамлакатнинг «қалби» Деҳли эди. Негаки, барча бу сулола ҳукмдорлари, оила аъзолари ва йирик амалдорларнинг қабрлари айнан Деҳлида, яъни Туғлоқобод шаҳрининг жанубида жойлашган. Эллиқдан ортиқ қабргоҳлар мажмуи Деҳлини мақбаралар шаҳрига айлантиради. Лўди авлодларининг архитектурадаги яна

бир ҳиссалари шундан иборатки, улар даврида кичик ҳажмли уч ёки беш равоқли тарзга эга масжидлар бунёд этилган.

Диссертациянинг «**Бобур даври архитектурасининг шаклланиш анъаналари ва ривожланиш йўллари**» деб номланган учинчи бобида Ўрта Осиё, Хуросон ва Ҳиндистон воҳаларида Бобур яратган янги архитектура услуби ва боғ яратиш санъати, ҳамда бу янги анъананинг Бобур ворислари томонидан ривожлантирилиш йўллари хронологик тарзда таҳлил қилинган.

Бобур архитектура соҳасида моҳирона туғма дидга эга эди. Унинг қисқа муддатли (1526-1530) ҳукмронлигига қарамасдан, у кўпгина бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Бобур ўзининг бунёдкорлик ишларини Жамуна – Чамбал ҳудудларида, Агра, Фотехпур Сикри, Дхўлпур, Гвалиор, Баяна ва Коил (Алигарх) ҳудудларида олиб борган. Бу даврда кўпгина бинолар Лўдилар услуби асосида барпо этилар эди. Бобур Ҳиндистонда ўзининг янги услубини яратиш мақсадида ҳатто, ўша даврларда доврўғи кетган Канстантинополлик моҳир меъморларни ёллаган. Ҳиндистондаги бирхиллик ва носимметрични танқид этган Бобур ўзининг услубини яратиш мақсадида ўша давр Усмон Империясининг машҳур меъмори Абдулмўмин ўғли Синан Юсуфни, ҳамда Албаниялик бинокорларни чақирган. Бобур ўзига хос архитектуравий услуб асосида, яъни маҳобатли қароргоҳларни қуршаб олган боғ қўйнида бунёд этишни бошлайди ва бу бунёдкорлик ишлари, аста – секин Жамуна – Чамбал воҳасида янги услубнинг шаклланишига олиб келади.

Бобур боғ яратиш соҳасининг шаҳзодаси сифатида гавдаланган бўлсада, унинг қисқа ҳукмронлигини эслатувчи Самбҳалдаги, Айодхиядаги, ҳамда Панипатдаги учта масжид асосий ёдгорлик сифатида намоён бўлади.

Бобурнинг боғ бунёд этиш маданияти унга форсий ва Темурий анъаналарга хос «Чорбоғ» услубидан мерос бўлгандир. Негаки, бу услубдаги боғлар Самарқанд ва Ҳиротда, ҳамда Форс мамлакатаида жуда кўп бор қурилган. Бобур бу анъана туфайли ўрта асрлар архитектураси ва боғ-парк қурилишида туб бурилиш яратди. Негаки, олдин бино лойиҳалашда архитекторнинг ўзи билан кифояланган бўлса, энди бино лойиҳаси учун архитектор, боғ учун эса, боғ лойиҳачиси ва сув муҳандиси биргаликда маслаҳатона мажмуавий ишлашга тўғри келган. Бундай мажмуавий лойиҳа давомида барча ҳаракатлар асосий мақсадга йўналтирилиши, оддий деталлардан тортиб кичик деталларгача биргаликда ишлаб, бир ечимга келишни тақазо этган.

Бобурийлар архитектураси нафақат Ҳиндистон архитектурасида балки, Ўрта Осиё, Эрон ва бутун мусулмон дунёси архитектурасининг шаклланишида энг асосий бўғимлардан бири саналади. Бобурийлар яратган архитектуравий иншоотлар бутун ислом архитектурасидан ўзининг услуби билан фарқ қилади. Бобур томонидан асос солинган бу услуб, охириги Бобурий подшоҳ саналмиш Баҳодур II ҳукмронлигининг сўнгги нафасигача ривожланади. Ҳиндистонда 1526 йилдан 1858 йилгача давом этган Бобурийлар ҳукмронлиги натижасида бу услуб 332 йил давомида шаклланади ва бутун дунё архитектура тарихида Бобурийлар услуби сифатида намоён бўлади.

Бобурдан сўнг архитектуравий услубни давом эттирган шахс унинг ўғли Ҳумоюн Мирзо бўлиб, у ҳам отаси киритган Темурийлар анъанасини

Ҳиндистонда ривожлантириш тарафдори эди. Ҳумоюн даврида Форс маданиятининг рассомчилик ва меъморчилик анъаналари Бобурийлар услубининг шаклланишига таъсир этади. Ҳумоюн даврида олдинги Деҳли Султонлиги архитектурасидан фарқли ўлароқ янги мустақил Бобурийлар архитектура услуби шаклланади.

Бобурийлар услубининг ривожланиши кейинги шаҳзода Акбар даврида энг юксак даражада шаклланади. Бу даврда илк Бобурийларнинг маҳобатли мақбараси вужудга келади. Бу жараёнда Бобурийлар услуби улардан олдин шаклланган анъаналарнинг ютуқларини ўзида мужассам этади. Акбар томонидан киритилган Гужарат, Гвалиор, Ражпут анъаналари Бобурийлар услубининг ривожланишига катта таъсир этади.

Акбар даврида турли архитектуравий анъаналарнинг қўшиливидан янги архитектуравий услуб пайдо бўлган бўлса, Жаҳонгир даврига келиб, бу архитектуравий услуб ўтиш даврини, яъни шаклланиш ва тажрибалар асосида ривожланиш жараёнини акс эттиради.

Шоҳ Жаҳон даврида Бобурийлар архитектураси янги эстетик жараёнга ўтади. Бу даврнинг архитектуравий рамзлари симметрия ва бир хиллик бўлиб, Бобурийлар анъанасининг ақидалари асосида ривожланади. Шоҳ Жаҳон услубидаги бир хиллик архитектуравий қисмларнинг камайтирилиши натижасида содир бўлади.

Аврангзеб даврида архитектура кескин равишда танназулга юз тутишни бошлайди. Бу даврнинг асосий янгиликлари масжидларнинг жуда бой бежирим орнаментлар билан безатилишидир. Аврангзеб даврида Бобурийлар услуби янги фазовий танглик концепциялари асосида ривожланади.

ХУЛОСА

«Бобур даврида Ҳиндистон архитектурасининг ривожланиш анъаналари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳиндистоннинг меъморчилик тарихи мил. авв. XXX асрларданок шакллана бошланган бўлиб, ўша даврлардан шаҳарлар (Моҳенжо-Даро, Хараппа) аниқ функционал табақаланиш ва режа асосида қурилган. Шаҳар тархларини режалаштириш қонун – қоидалари саналмиш қадимий ёзма манбаълар: Шилпашастра, Артхашастра ва Манасаралардан фойдаланилган. Бу йирик ўлка меъморчилигида икки хил маданият: ҳиндо-арий ва дравид йўналишлари етакчилик қилган.

2. Қадимги давр Ҳиндистон архитектураси учта асосий диний қарашлар (буддизм, жайнизм, брахманизм) таъсирида шаклланган. Қадимги даврдан ўрта асрларга ўтиш даврида (V-VIII аа.) янги меъморий услуб юзага келган. Бу услуб ибодатхоналарнинг қайси динга қарашидан қатъий назар ягона архитектуравий шакллар, композицион воситалар ва қурилиш услубларининг бир хил йўсинда қўлланилишидир.

3. Ислом архитектурасининг Ҳиндистон воҳасига кириб келиши билан (XII а.) икки бир – бирига ўхшаш бўлмаган маданият анъаналарининг қўшилуви натижасида янги Ҳинд-Исломи анъана вужудга келган.

4. Ҳиндистондаги Султонлик даври (1191-1557 йй.) архитектураси жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шу даврларда Ислом архитектурасидаги меъморий элементлар бу мамлакат заминида шаклланиш жараёнини ўзида акс эттиради. Илк Деҳли Султонлиги даври (1191-1246 йй.)да Ҳинд заминидаги илк масжидлар, миноралар, мақбаралар қурила бошланади. Лекин, Ислом архитектурасига хос шакллар ҳали унчалик ривожланмаган ҳолатда эди. Хилжилар даврида (1290-1320 йй.) эса, бу композицион шакллар кескин ривожланади. Туғлоқлар даврида (1320-1413 йй.) гумбаз шакллари юксалади. Саидлар ва Лўдилар даврига (1451-1557 йй.) келиб мақбарасозлик шаклланади.

5. Бобур Самарқанд ва Ҳиротда шаклланган «Темурийлар услуби»ни ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан мукамал равишда ўрганган. Ҳамда, бу архитектуранинг асосий моҳиятини Ҳиндистонга олиб киришга муваффақ бўлган. Ўзининг қисқа ҳукмронлигига қарамадан «Темурийлар услуби» анъаналаридан фойдаланиб, янги «Бобурийлар услуби»нинг асосини мерос қолдирди. Бобур томонидан асос солинган бу услуб, охириги Бобурий подшоҳ Баҳодур II ҳукмронлигининг сўнгги нафасигача ривожланади. Ҳиндистонда 1526 йилдан 1858 йилгача давом этган Бобурийлар ҳукмронлиги натижасида бу услуб 332 йил давомида шаклланади, такомиллашади ва бутун дунё архитектура тарихида «Бобурийлар услуби» сифатида намоён бўлади.

6. Бобур маҳобатли қароргоҳларни қуршаб олган боғ қўйнида иморат солиш йўли билан ўзининг янги услубини шакллантирган. Айнан, Бобур давридан бошлаб Ҳинд заминида илк маротаба бино лойиҳаси учун меъмор, боғ лойиҳаси учун эса боғ лойиҳачиси ва сув муҳандисининг ҳамкорликда жамоавий ишлаши йўлга қўйилган.

7. Бобур Форс ва Темурийлардан мерос бўлган «Чорбоғ» услубини Ҳиндистонга олиб келади ва бу турдаги боғлар унинг ворислари томонидан энг юксак даражада ривожлантирилади.

8. Ҳумоюн даврида олдинги Деҳли Султонлиги архитектурасидан фарқли ўлароқ янги мустақил Бобурийлар архитектураси услуби шаклланади.

9. Акбар томонидан киритилган Гужарат, Гвалиор, Ражпут анъаналари Бобурийлар услубининг ривожланишига сезиларли таъсир этади. Бу анъаналарга мансуб Ҳинд ибодатхоналари рамзлари ва элементлари (морпечли таянчлар, чҳажжалар, ксипта витана том ёпмалари, маҳападма, кайласа) бу давр бунёдкорлигида кенг қўлланилиши натижасида Бобурийларга хос бой нақшинкорлик анъанаси шаклланади.

10. Жаҳонгир даври архитектураси асосан боғ яратиш, меъморий нақшларнинг хилма – хиллиги, ҳамда тасвирий миниатюра санъатининг ривожланиши билан тарихда намоён бўлди. Оқ мармар, қизил қумтош ва зангори тошлар гаммасидан яралган нақшлар Жаҳонгир даври архитектурасининг аломатларидир. Негаки, бундай услубдаги меъморий орнаментлар Бобурийлар даврида қўлланилган бўлишига қарамай, нозик дидли Жаҳонгир даврида энг юксак даражада бўлганлигини намоён этади.

11. Шоҳ Жаҳон даврида Бобурийлар архитектураси янги эстетик жараёнга ўтади. Бу даврнинг архитектуравий рамзлари симметрия ва метрик ритм бўлиб, Бобурийлар анъанасининг ақидалари асносида ривожланади.

12. Аврангзеб даврида Бобурийлар услуби янги фазовий танглик концепциялари асосида ривожланади.

13. Бобур ва Бобурийлар яратган меъморий обидалар ва истироҳат боғларини диққат билан кузатар эканмиз, уларга хос бўлган мўъжизакор мунаққашлик ва яшил манзаралар ҳамоҳанглигини, улар муҳитидаги орасталик, изчил минтақавий меъморий тартибот, халқ амалий санъатининг юксак туйғуларини ҳис этамиз. Афсуски, худди ана шу муҳим юксак меъморий фазилатлар ҳозирги кунда биз яратаётган бинолар ва иншоотларимиз муҳитига етишмай турибди. Биз ишонамизки, тарихий моддий, маданий қадриятларимиз ва улуғ сиймоларимиз меъморий меросини ўрганиш бунёдкор халқимиз тафаккурини янги имкониятлар сари сарафроз этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.A.11.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

РАХИМОВ ЛАЗИЗ АБДУАЗИЗОВИЧ

**ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ АРХИТЕКТУРЫ ИНДИИ В ЭПОХУ
ПРАВЛЕНИЯ БАБУРА**

**18.00.01– Теория и история архитектуры.
Реставрация и реконструкция памятников архитектуры**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО АРХИТЕКТУРЕ**

Ташкент– 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по архитектуре зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.2.PhD/A4.

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском государственном архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекском, русском) размещен на веб- странице по адресу: [http:// www.taqi.uz//interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/ avtoref.html](http://www.taqi.uz//interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html) и на Информационно - образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Уралов Ахтам Синдарович
доктор архитектуры, профессор

Официальные оппоненты:

Юсупова Мавлюда Аминжанова
доктор архитектуры, профессор

Пулатов Хайрулло Шомуборакович
кандидат архитектуры, доцент

Ведущая организация:

**Национальный Институт Художеств и
Дизайна им. К.Бехзада**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.A.11.02 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес:100011, город Ташкент, улица Навои, дом 13.Главный учебный корпус, Большой зал заседаний. Тел.: (99871) 241-10-84, факс: (99871) 241-13-90. Web: www.tasi.uzsci.net, e-mail: taqi_atm@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100011, город Ташкент, улица Навои, дом 13. Тел.: +99871 244-63-30.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2018 года.).

Д.А.Нозилов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д. арх., профессор

Т.Ш. Маматмусаев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат архитектуры

Т.А. Хидоятов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор архитектуры, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, по всему миру проводится содержательная работа в области сохранения и эффективного использования культурного наследия и архитектурных памятников. Однако вопросы несовместимости архитектуры новых объектов, создаваемых в процессе реконструкции центров исторических городов, их художественных образов и их функции с исторической средой городов во многих случаях, показывают, что в этой области все еще есть некоторые недостатки. В этой связи появляется необходимость изучения и принятия во внимание уже исторически сформировавшихся и развитых на основании национальных ценностей и дошедших до нас передовых исторических архитектурных традиций.

Однако, из-за игнорирования факта изученности данного вопроса мировыми учеными в некоторой степени возникает ряд проблем в вопросах рационального использования объектов культурного наследия, изучении древних архитектурных традиций во всем мире, особенно в изучении архитектуры периода Бабура. Также, подчеркивая особую роль Бабура в развитии архитектуры Индии, следует отметить, что неуместно утверждать, что исламская архитектура в Индии формировалась на основании Среднеазиатской и Персидской культуры зодчества благодаря Бабуру и Бабуридам. Раскрытие роли Исламской архитектуры в Индийском зодчестве до завоевания страны Бабуром, сбор, приведение в единую систему информации о расцвете формирующейся архитектуры в эпоху этой династии является проблемой, которая ждет своего решения.

В годы независимости был выполнен значительный объем работ в изучении наследия Бабуры, его роли и положении в мировом масштабе. В их число входят открытие в Ташкенте музея истории и культуры Тимуридов и парка Амира Темура, возведение памятников Амира Тимура в Ташкенте, Самарканде и Шахрисабзе, памятника, сада Бабура и музея Бабуридов в Андижане, перевод на узбекский язык и публикация исторических рукописей, учреждение международных фондов имени Амиру Темура и Бабура. «Несомненно, что такая политика, нацеленная на интенсивное и стабильное культурное развитие будет продолжена»¹. Однако, в Узбекистане до сих не проведены комплексные исследования традиции развития архитектуры Индии в эпоху правления Бабура. Научный анализ созданного Бабауром наследия зодчества, то есть его сравнительное изучение с зодчеством Средней Азии, в особенности Маверауннахра и определение его значения и положения в истории архитектуры мира является важным вопросом сегодняшнего дня. Поскольку, в архитектурной, градостроительной и садоводческо-парковой культуре Бабура существует уникальная реалья слияния архитектурной культуры эпохи Темуридов с Индийской культурой, примененные архитек-

¹ Выступление президента Республики Узбекистан на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном основным итогам социального-экономического развития страны за 2016 год и приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год. Халк сузи, 16 января 2017г.. –стр. 1.

турные методы и художественные приемы не похожи на другие культуры, что доказывает высокую значимость и специфических черт данной культуры.

Результаты наших исследований в некоторой степени способствуют осуществлению насущных вопросов и мер, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 1 мая 2017 года № УП-5030 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по архитектуре и строительству», также в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», и в других нормативно-юридических документах, определении непосредственной связи созданной Бабуrom в Индии культуры зодчества со «стилем Тимура» в Маворауннахре и с историческим наследием в Индии, в определении ведущих традиций архитектуры, свойственных созидательной деятельности эпохи Бабура и Бабуридов.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Настоящие исследования выполнены в рамках приоритетного направления развития науки и технологии Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического правового общества, формирование инновационной экономики».

